

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ялпи ҳудудий маҳсулот</b>	<b>3036,5</b>	<b>106,1</b>
Саноат маҳсулоти	2252,9	105,1
Истеъмол товарлари	866,3	112,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	377,4	106,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	496,7	100,8
Қурилиш ишлари	453,9	112,2
Юк айланмаси млн. тн-км	709,2	116,4
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	1984,8	107,9
Чакана товар айланмаси	1829,7	112,3
Хизматлар, жами	1450,7	112,6
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	238,3	84,9
Экспорт	105,4	136,2
Импорт	132,9	65,4
Сальдо (+;-)	-27,5	x

## Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3036,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 6,1 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 110,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>2602,1</b>	<b>3036,5</b>	<b>106,1</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2429,7	2832,9	106,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	172,4	203,6	105,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>2429,7</b>	<b>2832,9</b>	<b>106,2</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	130,4	146,9	106,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	927,6	1073,5	104,7
саноат	763,8	870,3	103,1
қурилиш	163,9	203,2	112,2
Хизматлар	1371,8	1612,5	107,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	255,8	313,5	113,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари бошқа хизматлари	352,8	382,6	102,9
бошқа хизматлари	763,1	916,5	107,1

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2015 й.



2016 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (112,2 %), хизматлар (107,3 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,7 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 51,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартга нисбатан 0,4 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 56,9 фоиз (2016 йил январь-мартда 56,5 фоиз)ни ташкил қилди.

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 24988 тани ташкил қилиб, шундан 24463 таси ёки 97,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5410 та (21,7 фоизи), саноат 4993 (20,0 фоизи), қурилиш 1920 та (7,7 фоизи), ахборот ва алоқа 1517 та (6,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1391 та (5,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>24988</b>	<b>100,0</b>	<b>24463</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1391	5,6	1357	5,5
саноат	4993	20,0	4903	20,0
қурилиш	1920	7,7	1887	7,7
савдо	5410	21,7	5270	21,5
ташиш ва сақлаш	960	3,8	940	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1041	4,2	1021	4,2
ахборот ва алоқа	1517	6,1	1483	6,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	854	3,4	848	3,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6902	27,6	6754	27,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,6 (2016 й 84,0) фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 38,2 (2016 й 43,3) фоизи хусусий корхоналар, 0,8 (2016 й 0,7) фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 (2016 й 0,3) фоизи акциядорлик жамиятлари, 45,4 (2016 й 39,7) фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-мартда жами 1364 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1337 та). Уларнинг асосий қисми Фарғона шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (19,0 фоизи), Қўқон шаҳар (13,3 фоиз), Марғилон шаҳар (10,5 фоиз), Бувайда тумани (8,0 фоиз), Қува тумани (6,7 фоиз), Учкўприк (4,6 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,5 фоизи саноат, 26,3 фоизи савдо ва 9,7 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 216 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 60 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 27,8 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 19938 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,3 фоизи (2016 йил январь-мартда 50,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1192,0 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 80,0 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 940,4 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар ва 251,6 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1049,5 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 46,6 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 113,0 фоизни ташкил қилди;

- 35,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 33,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 43,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 32,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

- 318,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 64,1 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 140,7 фоизга ўсди;

- 414,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 91,2 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 109,4 фоизга ўсди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 8.1 фоизга ошиб (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 92.0 фоизи) ни ташкил этди, йўловчи айланмасининг эса 7.3 фоизга ошиб (умумий йўловчи айланмасининг 91.9 фоизи) ни ташкил этган;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 82,2 фоизи ёки 1503,5 млрд. сўми (ўсиш 114,2 фоиз) ташкил қилди;


- 367,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,5 фоизи) ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	367,9	97,5
Саноат	450,4	57,1
Қурилиш	414,0	35,4
Чакана савдо		
Юк ташиш, млн тн.	11,9	60,9
Йўловчи ташиш, млн.киши	137,6	93,0

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





## Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-мартида ташқи савдо айланмаси 238,3 млн. АҚШ долларини, жумладан 105,4 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 132,9 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди.

2017 йилнинг январь-мартида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-декабрь		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>280,5</b>	<b>238,3</b>	<b>84,9</b>
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	81,5	95,1	116,7
бошқа хориж давлатлар	199,0	143,2	72,0
<b>Экспорт</b>	<b>77,4</b>	<b>105,4</b>	<b>136,2</b>
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	29,7	41,4	139,4
бошқа хориж давлатлар	47,7	64,0	134,2
<b>Импорт</b>	<b>203,1</b>	<b>132,9</b>	<b>65,4</b>
шу жумладан:			
МДХ давлатлари	51,8	53,7	103,7
бошқа хориж давлатлар	151,3	79,2	52,3

2016 йил январь-мартда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши куйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-мартида вилоят экспорт-импорти таркиби куйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>136,2</b>
пахта толаси	0,0	8,0	100,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	5,3	9,8	250,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	19,7	11,7	80,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	2,4	1,3	74,0
қора ва рангли металллар	0,0	0,0	0,0
машина ва ускуналар	0,1	0,01	7,6
хизматлар	1,7	1,4	112,9

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-март	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
бошқалар	70,8	67,79	130,5
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>65,4</b>
озик-овқат маҳсулотлари	3,3	6,3	125,0
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	7,8	11,1	92,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	14,0	16,4	77,0
қора ва рангли металллар	7,3	17,6	158,5
машина ва ускуналар	61,8	35,7	37,8
хизматлар	0,6	1,1	120,4
бошқалар	5,2	11,8	148,3

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йилнинг январь-мартида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:


	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Қозоғистон	2,1	121,4
Россия	23,4	88,1
Хитой	19,9	72,5
Туркия	2,7	109,5
Латвия	0,4	98,3
Корея	9,2	81,4
Украина	0,7	28,3
БАА	0,5	183,1
Туркманистон	0,5	43,2
Япония	7,2	24 м
Германия	2,2	187,1
Малайзия	0,5	6 м
Португалия	0,4	43,1
Сингапур	0,3	79,1
Польша	2,6	122,1
Афғанистон	2,1	81,1
Қирғизистон	1,9	81,2
Эрон	0,4	54,1
Буюк Британия	0,2	50,2

2016 йил январь-мартда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

### Экспорт



### Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

## Саноат

2017 йил январь-мартда саноат маҳсулоти ҳажми 2252,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 866,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-мартга нисбатан 112,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 518,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 18,6 млрд. сўмлик ароқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 329,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 113,4 фоиз, 188,8 ва 107,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-март ойларида 13,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>2252,9</b>	<b>105,1</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>150,8</b>	<b>122,8</b>
улардан:		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	150,8	122,8
Металл рудаларини қазиб олиш		
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1968,1</b>	<b>102,0</b>
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	542,4	104,0
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	574,5	111,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	21,9	115,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	6,3	115,4
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	309,3	93,0
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	118,8	72,1
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	2,4	121,8
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	376,6	101,5

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Металлургия саноати	0,2	123,5
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	15,7	357,9
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>124,1</b>	<b>108,4</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>9,9</b>	<b>105,2</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>866,3</b>	<b>112,2</b>
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	536,9	115,0
ноозик-овқат товарлари	329,4	107,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти  
турларини ишлаб чиқариш**

(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 й январь-мартга нисбатан %
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>			
Қўнғир кўмир (лигнит)	минг.тн		
Чақиқ тош (шебень)	минг.тн		
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>			
Темирдан ёки легирланмаган пўлатдан болғаланган, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, кейин бошқа ишлов берилмаган бошқа чивиклар ва стерженлар, жумладан прокаткадан кейин калаваларга ўралган чивиклар	минг.тн		
Легирланган пўлатдан шаклдор ва маҳсус, иссиқлайин прокатка қилинган, иссиқлайин чўзилган ёки экструдирланган, бошқа ишлов берилмаган профиллар	тн		
Минерал ўғитлар:			
Мочевина (карбамид)	минг. тн. азотга	21,6	45,2
Сульфат аммония	минг. тн. азотга		
Аммоний нитрат (аммонийли селитра)	минг. тн. азота	24,2	53,2
Суперфосфатлар	минг.тн P2O5	2,7	100,4
Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	минг.тн	4,3	423,5
Кучланиши 1 кВ дан ортик бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	тн		
Портландцемент	минг.тн	238,5	99,7
Цемент клинкерлари	минг.тн	189,9	97,3
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	тн	2681	101,8
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	минг.л	7170	100,1
Ароқ	минг.л 100% спирт	377	101,3



	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 й январь-мартга нисбатан %
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг. л 100% спирт	480,0	98,8
Узум виноси	минг. л	10,0	
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	минг. л		
Шакар	тн		
Йирик шохли қорамол, чўчқа, кўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган	тн		
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	36,4	95,5
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн	1990,4	103,5
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	543,1	56,5
Ишлов берилган суюқ сут	тн		
Пишлоқлар ва творог	тн		
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	тн	5213	89,1
Маргарин ва спредлар (пастасимон маҳсулот)	тн		
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	тн	14562	100,3
Машинада ёки кўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	тн	297,4	142,7
Иш кийими	минг дона	395,6	121,2
Пахта толаси	минг тн	26,2	95,7
Пахта чигити	минг тн	6,1	90,7
Пахта тивити (линт)	тн	1803	87,5
Шишадан бутилкалар, банкалар, флаконлар ва бошқа идишлар (ампуладан ташқари); шишадан тиқин, қопқоқ ва бошқа тиқинлаш воситалари	млн.дона	44,2	96,7
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари,	млн. сўм		


	Ўлчов бирлиги	2017 йил январь-март	2016 й январь-мартга нисбатан %
репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, откриткаларни босиб чиқариш бўйича хизматлар			
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	млн. сўм		
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>			
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	млн.кВт/с		
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	244,7	100,0
Кўмирни ер остида газга айлантириш натijasида ҳосил бўлган газ (нефт газлари ва бошқа газсимон углеводородли газлардан ташқари)	минг куб.м		

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 377,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 119,3 млрд. сўмни (107,7 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 248,8 млрд. сўмни (106,1 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,6 млрд. сўмни (106,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 2,2 млрд. сўмни (124,7 фоиз), овчилик хўжалигида 0,04 млрд. сўмни (100,6 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,5 млрд. сўмни (106,3 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Дехқончилик.** Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда сабзавот 6731 тонна (108,3 фоизга кўп), мева 594 тонна (140,4 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 103,6 фоизга (жами 1012,6 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,6 фоизга (358,5 минг бош), қўй ва эчкилар 102,6 фоизга (834,1 минг бош), отлар 102,8 фоизга (жами 8811 бош), паррандалар 132,7 фоизга (5455,8 минг бош) га кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт

ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,3 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 87,3 фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>1012,6</b>	<b>103,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	46,9	107,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	955,8	103,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,9	101,0
<b>улардан сигирлар</b>	<b>358,5</b>	<b>100,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	15,6	110,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	340,2	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,7	103,8
<b>Куй ва эчкилар</b>	<b>834,1</b>	<b>102,6</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	43,1	107,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	785,6	102,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,4	180,0
<b>Отлар</b>	<b>8811</b>	<b>102,8</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1114	109,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	7597	101,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	100	122,0
<b>Паррандалар</b>	<b>5455,8</b>	<b>132,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	552,6	109,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3652,4	117,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1250,8	248,8

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,6 фоизни, шу

жумладан, сигирлар мос равишда 94,9 ва 4,4 фоизни, кўй ва эчкилар 94,2 ва 5,2 фоизни, отлар 86,2 ва 12,6 фоизни, паррандалар 67,0 ва 10,1 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 30,5 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 5,7 фоизга кўп), 180,0 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 71,4 млн. дона тухум (10,0 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари куйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг тн.</b>	<b>30,5</b>	<b>105,7</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,1	106,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	28,5	105,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,9	110,6
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>180,0</b>	<b>106,5</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	5,1	106,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	173,7	106,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,2	119,8
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>71,4</b>	<b>110,0</b>
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	8,1	113,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	54,3	109,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,0	110,3

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби куйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 14,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 3,7 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 46,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 15,6 минг бош сизир, 43,1 минг бош қўй ва эчкилар, 1014 бош от, 552,6 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб

чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-декабрь				2016 январь- мартга нисбатан фоиз хисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	173	2,8	189	2,8	109,2
Мева	23	5,4	32	5,4	139,1
Гўшт, тирик вазнда	1011	3,5	1081	3,5	106,9
Сут	4829	2,8	5144	2,9	106,5
Тухум, минг дона	7123	11,0	8115	11,4	113,9
Жун	39	42,4	41	39,8	105,1

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 496,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,8 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>496,7</b>	<b>100,8</b>	<b>100</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>40,8</b>	<b>52,5</b>	<b>8,2</b>
бюджет маблағлари	29,7	73,3	6,0
давлат мақсадли фонд маблағлари	-	-	
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	
бюджетдан ташқари фондлар	5,9	27,4	1,2
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	5,2	39,3	1,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>455,9</b>	<b>108,8</b>	<b>91,8</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	170,0	215,5	34,1
аҳоли маблағлари	185,6	123,7	37,4
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	39,8	26,2	8,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	60,5	129,9	12,2

2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>496,7</b>	<b>52,8</b>	<b>443,9</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	52,7	36,2	54,7
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	37,2	42,9	36,5




Бошқа харажатлар 10,1 20,9 8,8

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 3,4 фоизли пунктга ҳамда, бошқа харажатларнинг улуши 1,9 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши эса 5,3 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-мартда умумий майдони 238,8 минг кв,м бўлган 1768 та (2016 йил январь-мартга нисбатан 122,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 184,0 минг кв,м, (129,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 243,8 млрд, сўми ёки 79,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида инвестициялар ўзлаштирилмади.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида инвестициялар ўзлаштирилмади.

Коммунал қурилиш соҳасида 28,4 км узунликдаги ичимлик суви, 5,8 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 91,0 ва 87,9 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 2039,0 млн,сўм газ тармоқлари қурилишига эса 56,3 млн, сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-мартда 453,9 млрд, сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,2 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 64,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 6,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 29,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 79,3 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 445,9 млрд, сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 98,2 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 113,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш.** 2016 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 30,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 фоизга кўп. Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 709,2 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 16,4 фоизга кўпайган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	30,7	102,2
шу жумладан:		
автомобил транспортида	29,2	103,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	709,2	116,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	485,8	98,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 107,3 фоизга кўпайди ва 406,0 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 57,2 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 62,0 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 148,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 7,9 фоизга кўпайи 1984,8 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь- март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	148,6	106,3
шу жумладан, автомобил транспортида	148,2	106,2
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	1984,8	107,9
шу жумладан, автомобил транспортида	1928,6	105,7

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 106,9 фоизга кўпайди ва 1653,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 83,3 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 84,0 фоиз).

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1829,7 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,3 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>1829,7</b>	<b>112,3</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	59,5	98,8	3,25
нодавлат мулки	1770,2	112,8	96,75
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	791,3	115,3	44,7

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-мартда 128,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 87,6 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдодаги ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1117,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,9 фоизга ошган.

2017 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>1829,7</b>	<b>112,3</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	154,8	107,1	8,5
Кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик	1503,5	114,2	82,2
уюлмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти)	171,4	102,1	9,3

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 30,5 млрд. сўмга етди ёки

2016 йил январь-мартга нисбатан 120,1 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 512,5 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-март ойларида 419,1 минг сўмни ташкил этган).

2016 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1450,7 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 411,3 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 28,3 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 112,6 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-мартида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>1450,7</b>	<b>112,6</b>	<b>100,0</b>
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	115,8	105,4	8,0
Молиявий хизматлар	142,2	134,5	9,8
Транспорт хизмати	263,5	112,4	18,2
шу жумладан автотранспорт хизматлари	248,0	111,8	17,1
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	49,1	112,6	3,4
Савдо хизматлари	485,2	110,9	33,4
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	50,3	111,5	3,5
Таълим соҳасидаги хизматлар	73,0	104,9	5,0
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	34,6	116,7	2,4
Ижара ва прокат хизматлари	48,3	110,2	3,3
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	61,1	110,9	4,2
Бошқа шахсий хизматлар	81,9	111,5	5,6

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	7,3	110,9	0,5
Бошқа турдаги хизматлар	38,4	110,0	2,7

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 33,4 фоизи), транспорт (18,2 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, Яшаш ва овқатланиш хизматлари (112,6 фоиз), Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (116,7 фоиз), молиявий хизматлар (134,5 фоиз), Транспорт хизмати (112,4 фоиз) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3575,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 10,5 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 11,1 минг кишини ташкил этди.

2017 йил январь-мартда миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, - 0,6 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланadi:

	минг киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	16.2	15.5	-0.7	18.5	17.7
Ўлганлар	4.2	4.4	0.2	4.8	5.0
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	0.2	0.1	-0.1	9.4	6.4
Табиий ўсиш	12.0	11.1	0.9	13.7	12.7
Никоҳлар	4.3	4.7	0.4	5.0	5.3
Ажралишлар	0.8	0.9	0.1	0.9	1.0

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 15,5 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (16,2 минг киши) нисбатан 634 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 17,7 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (18,5 промилле) нисбатан - 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Марғилон шаҳрида (18,0 дан 17,0 промиллега), Қўқон, Қувасой шаҳарларида (17,0 дан 16,0 промиллега), Дангара, Тошлок (21,0 дан 20,0 промиллега), Қўштепа, Учкўприк (20,0 дан 19,0 промиллега), Ёзёвон, Фарғона (19,0 дан 18,0 промиллега), Сўх, Боғдод, Бувайда, Риштон, Ўзбекистон ва Фурқат (18,0 дан 17,0 промиллега), Қува, Бешариқ (17,0 дан 16,0 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 4,4 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (4,2 минг киши) нисбатан 253 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,0 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-мартда 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Марғилон, Фарғона (7,0 дан 6,0 промиллега) шаҳарларида, Дангара, Фурқат, Қўштепа, Ўзбекистон (6,0 дан 5,0 промиллега), Учкўприк, Олтиариқ, Бешариқ, Қува, Тошлок, Фарғона, Боғдод, Риштон, Бувайда, (5,0 дан 4,0 промиллега), Ёзёвон, Сўх (4,0 дан 3,0 промиллега) туманларида кузатилди.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот



Ўлганлар умумий сонидан 66,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,3 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,4 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,5 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,0 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 122 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиенти 6,4 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартида 9,4 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 35,1 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 28,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 26,0 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,0 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.


**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 4,7 минг та никоҳлар ва 886 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,3 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 5,0 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3749 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4323 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 574 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 429 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Фарғона (минус 584), Марғилон шаҳарларида (минус 85), Фарғона (минус 213), Данғара (минус 88) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 100,7 фоизни, 2024,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,6 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 5681 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Қўқон (693 кишига), Фарғона (520 кишига), Марғилон (307 кишига) шаҳарларида, Бағдод (356 кишига), Риштон (349 кишига) ва Учкуприк (343 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 5032 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич Қўқон (662 киши), Фарғона (452 кишига) шаҳарларида, Риштон ( 322 киши), Бағдод (300 киши), Учкуприк (303 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 561 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)

